

**ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ
ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИНИНГ БОШҚА МУТАСАДДИ ИДОРАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ**

Насиров Хуршид Рустамович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18164882>

Демократик жамиятда жамоат хавфсизлигини таъминлаш — фуқароларнинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкани муҳофаза қилишга қаратилган асосий конституцион вазифалардан бири ҳисобланади.

Жамиятимизда жамоат хавфсизлиги, шунингдек, оммавий тадбирлар жараёнида, фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш борасида энг асосий конституцион вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу долзарб ва мураккаб жараёнда нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг фаоллигига, балки уларнинг бошқа давлат ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилаётганлигига ҳам боғлиқ. Бу ўз ўрнида ажралмас асосий тизим ички ишлар органлари мазкур жараёнда етакчи рол ўйнайди.

Улар жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш, тадбир иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажаради. Бироқ бу вазифаларни мустақил эмас, балки Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар хизмати, соғлиқни сақлаш муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати, маҳаллий ҳокимиятлар, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан узвий ҳамкорликда амалга ошириши талаб этилади.

Маълумки, асосида янада такомиллаштириш вазифасини мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича яхлит тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органларининг оммавий тадбирларни ташкил этиш жараёнидаги вазифаларини, уларнинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик шакллари, мувофиқлаштириш механизмлари, ҳуқуқий асослари ва мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда илмий ечимлар ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинади. Ҳар бир функциянинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатлари кенг ёритилади ҳамда халқаро тажриба асосида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса оммавий тадбирлар жараёнида, мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий жараён бўлиб, у бир қатор ташкилотларнинг узвий ҳамкорлиги ва мувофиқлашган ҳаракатини талаб қилади.

Бунда ички ишлар органлари нафақат асосий ижро этувчи тузилма, балки бошқа тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ сифатида ҳам фаолият олиб боради.

Ушбу вазифани самарали амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар, ташкилий механизмлар ва ахборот-технологик воситаларнинг уйғунлиги қуйидаги бир қанча жиҳатларда таҳлил қилиш зарур:

Биринчидан, оммавий тадбирларнинг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи ташкилотларнинг аниқ функционал вазифаларини белгилаб бериш зарур. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 569-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори¹да бу масала тўлиқ ўз ифодасини топган.

Қарорда кўрсатилишича, ички ишлар органлари оммавий тадбирларнинг барча босқичларида - тайёргарлик, ўтказиш ва таҳлил қилиш жараёнларида иштирок этади ва бошқа тузилмаларнинг ҳаракатини мувофиқлаштиради.

Мазкур қарорга мувофиқ, ички ишлар органлари жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тадбир ўтказиладиган жойларда хавф таҳлилин амалга ошириш, эвакуация режаларини ишлаб чиқиш ва бошқа тузилмаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш каби асосий вазифаларни бажаради. Ушбу вазифалар ички ишлар органларининг оммавий тадбирлар хавфсизлигини таъминлашдаги ролини нафақат операцион, балки стратегик ва ташкилий даражада ҳам белгилаб беради.

Шунингдек, ички ишлар органлари оммавий тадбирларда Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар хизмати, тез тиббий ёрдам, санитария-эпидемиология хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда иш олиб бориши белгиланган. Ҳар бир ташкилотнинг ваколати, мажбуриятлари ва ҳаракат алгоритмлари аниқ белгилаб қўйилганлиги – умумий мақсад сари мувофиқлаштирилган ҳаракатни таъминлайди.

Бу каби аниқ функция ва ваколатлар тақсимои ички ишлар органларига оммавий тадбирларда умумий бошқарувни амалга ошириш, бошқа органлар ҳаракатини мувофиқлаштириш ва фавқулодда ҳолатларга тезкор ва самарали жавоб қайтариш имконини беради. Бунда ҳуқуқий аниқлик, идоравий масъулият ва тизимли режалаштириш асосий омиллар сифатида намоён бўлади.

Илмий нуқтаи назардан, бундай функционал тақсимот ва мувофиқлаштирувчи механизмлар “комплекс бошқарув модели”га асосланади. Бу модель ҳар бир тузилманинг имкониятларини максимал даражада сафарбар этиш, такрорий ҳаракатлар ва ресурслар исрофини олдини олиш, юзага келувчи хавф-хатарларга нисбатан тизимли ёндашувни шакллантириш имконини яратади.

Иккинчидан, бу ҳамкорлик фақат расмий келишув ёки фармонлар орқали эмас, балки кундалик амалиёт, доимий идоралараро алоқа, қўшма қарор қабул қилиш, ягона маълумотлар базалари ва тезкор алоқа каналлари орқали амалга оширилиши лозим.

Ҳар бир оммавий тадбирнинг муваффақиятли ва хавфсиз ўтишини таъминлаш учун ягона тактик-кординацион режалар ишлаб чиқирилиши зарур бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 569-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.09.2024 й., 09/24/569/0714-сон // <https://www.lex.uz/docs/7102947>.

Бу режалар ҳар бир тузилманинг аниқ вазифалари, масъул ходимлари, операциялар кетма-кетлиги, хавф таҳлили натижалари, эвакуация йўналишлари ва эҳтимолий фавқулодда вазиятларга нисбатан ҳаракат алгоритмларини ўз ичига олади.

Шунга кўра айтиш мумкинки, тактик-кординацион режаларни аниқ ва индивидуал ишлаб чиқиш, идоралараро ишончни мустаҳкамлаш, ахборот тизимларини интеграция қилиш ва ҳаракатларни стандартлаштириш жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Учинчидан, оммавий тадбирлар хавфсизлигини таъминлашда ахборот-технологик воситалар жуда катта роль ўйнайди.

Бугунги кунда “Smart Public Safety”, “E-inspektor”, “E-hisobot”, “Ситуацион марказ” каби рақамли тизимлар жорий этилмоқда. Бу тизимлар орқали барча иштирокчи идоралар ўртасида реал вақтда ахборот алмашиш, мониторинг ва таҳлил, фавқулодда ҳолатларда автоматик сигнализация ва идоралаш имконияти яратилади. Ушбу тизимлар жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг мувофиқлаштирувчи функциясини янада мустаҳкамлайди.

Мазкур ёндашувлардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг ахборот тизимларини интеграциялашган ҳолда ишга солиши, барча ҳамкор идоралар учун умумий ва функционал рақамли муҳит яратиши, хавф таҳлиллари учун визуаллаштирилган маълумот платформаларини шакллантириши талаб этилади. Бу нафақат жамоат хавфсизлигини таъминлашда, балки ҳаракатларнинг шаффофлигини, ҳисобдорлигини ва тезкорлигини таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу боис, ахборот технологияларини жамоат хавфсизлиги соҳасида қўллашда фақат техник жиҳатларга эмас, балки ташкилий, ҳуқуқий ва инсон ресурсларига оид масалаларга ҳам эътибор қаратиш зарур. Ахборот тизимларининг самарали интеграцияси идоралараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади ҳамда ички ишлар органларининг мувофиқлаштирувчи функциясини янада мустаҳкамлайди.

Тўртинчидан, халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, самарали ҳамкорлик нафақат хужжатлар, балки амалий симуляциялар, қўшма машғулотлар ва доимий таълим тизими орқали шаклланади. Германия, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда оммавий тадбирларга тайёргарлик жараёнида қатнашувчи барча тузилмалар учун симуляцияли машғулотлар, реал сценарийлар асосидаги тренинглар ўтказилади. Ушбу амалиётлар ходимлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди, айниқса стресс ҳолатлардаги ҳаракатларни автоматлаштириш имконини беради. Ўзбекистонда ҳам ушбу тажрибани амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Германияда “Kompetenzzentrum Öffentliche Sicherheit” (Жамоат хавфсизлиги бўйича компетенция маркази) доирасида йирик тадбирлар олдидан синхронлаштирилган машғулотлар ўтказилиши, АҚШда Department of Homeland Security (DHS) томонидан ҳар йили “Urban Shield” номли йирик симуляцияли тренинг ташкил қилиниши, Россия амалиётида ҳам “Росгвардия”, ИИБ ва ФВВ ўртасида қўшма машғулотлар ўтказишнинг норматив асослари яратилган бўлиб, ҳар бир оммавий тадбир олдидан сценарий асосидаги амалий машғулотларни мунтазам ўтказиш нафақат фавқулодда вазиятларда самарали бошқарувни, балки ишончли ҳамкорлик муҳитини яратишда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистонда ҳам ушбу амалиётни институционал даражада жорий этиш, ҳар йили амалий тренинглари ва машғулоти тақвими белгилаш, уларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бешинчидан, ички ишлар органлари оммавий тадбирларда фуқаролар билан мулоқотда ҳам бошқа тузилмаларни мувофиқлаштириши лозим. Жамоатчилик билан ишлаш фақат ахборот тарқатиш билан чекланмаслиги, балки ишончли ва самарали мулоқотни ўз ичига олиши зарур. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлик қилинади.

Ушбу ҳамкорлик орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онги оширилади, уларнинг тадбирлар хавфсизлигига доир фаол иштирокини рағбатлантириш мумкин бўлади.

Илмий нуқтаи назардан, жамоатчилик билан самарали мулоқот жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ижтимоий-коммуникатив омили сифатида эътироф этилади.

Шу асосда, ички ишлар органлари тадбирлар олдида фуқароларга йўналтирилган ахборот кампаниялари ташкил этиши, махсус электрон платформалар орқали мурожаатлар ва фикр-мулоҳазаларни қабул қилиши, ҳамда жамоатчилик кенгашлари, маҳалла ва нодавлат нотижорат ташкилотлар орқали жойлардаги хавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиши мақсадга мувофиқ. Бу нафақат жамоат хавфсизлигини таъминлашда аҳоли онгини оширади, балки фуқароларда ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан ишончни мустаҳкамлайди.

Олтинчидан, ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини баҳолаш учун тизимли таҳлил, иш натижаларини баҳолаш ва ҳисобот бериш механизмлари жорий этилиши лозим. Ҳар бир тадбирдан сўнг ички таҳлил ўтказилиши, куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлиги, ходимларнинг тайёргарлиги, ҳамкор ташкилотлар билан ишлаш натижалари ўрганилиши ва умумий хулосалар чиқарилиши зарур. Бу орқали келгуси тадбирларда хатоларни такрорламаслик ва яхшироқ натижаларга эришиш имкони яратилади.

Бундай таҳлил жараёнлари бошқарувнинг замонавий назарияларида “бўғинли таҳлил ва қайта алоқа” (feedback loop) деб номланади ва уларнинг самарали бўлиши учун ҳолис, тизимли ва маълумотларга асосланган ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон амалиётида ҳам тадбирдан сўнгги таҳлил тизимини кенг жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Ташкилий самарадорлик фақат тадбир пайтидаги ҳаракатлар билан эмас, балки унинг натижалари, иштирокчилар фикрлари ва таҳлил қилинган хатолар билан ҳам ўлчанади. Бунинг учун махсус ишчи гуруҳлар ташкил этиш, таҳлил меъёрларини стандартлаштириш, ҳисоботларни рақамли тизим орқали бирлаштириш ва таҳлил натижалари асосида норматив-ҳуқуқий ёки ташкилий ислохотлар киритиш механизмни яратиш лозим.

Шу йўл билан ички ишлар органлари нафақат оператив фаолиятни, балки стратегияни бошқарувда ҳам муҳим ўрин эгаллаши мумкин.

Еттинчидан, мустаҳкам қонунчилик асослари бўлмаса, ҳар қандай ҳамкорлик механизми самарасиз бўлади. Бу борада “Оммавий тадбирлар тўғрисида”ги махсус қонун лойиҳасини қабул қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу қонун билан идоралараро муносабатлар, жавобгарлик чегаралари, ҳаракат алгоритмлари ва ҳисобот механизмлари қатъий ҳуқуқий меъёрлар асосида белгилаб қўйилиши керак. Бу нафақат ички ишлар органларининг ишини енгиллаштиради, балки ҳамкор ташкилотлар билан ишлашда шаффофлик ва аниқликни таъминлайди.

Халқаро тажрибада бундай ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг институционал кафолати сифатида қаралади. Шунингдек, бу қонун тадбир иштирокчилари ва ташкилотчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилайди.

Ўзбекистон амалиётида ҳозирча “Оммавий тадбирлар тўғрисида” махсус қонун мавжуд эмас. Мавжуд бир қанча қонун ости ҳужжатлари² эса, асосан ташкилий тартиб-таомилларни белгилаб беради, аммо ҳуқуқий муносабатлар, мажбурият ва жавобгарлик, иштирокчи субъектлар ва мурожаат механизми каби муҳим жиҳатларни қамраб олмайди.

Шу боис, янги қонун қабул қилиниши ҳуқуқий аниқлик, идоралараро мувофиқлашув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай қонун нафақат ички ишлар органлари, балки барча жамоат хавфсизлиги учун масъул органлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни аниқ тартибга солади.

Саккизинчидан, ташкилотлараро ҳамкорликни рағбатлантириш ва янгиликларни татбиқ этиш мақсадида миллий ва халқаро даражада тажриба алмашув форумлари, илмий конференциялар ва ўқув семинарларини ташкил этиш тавсия этилади. Бундай тадбирлар – назария ва амалиётни боғловчи муҳим платформа бўлиб, улар орқали соҳавий инновациялар, бошқарув услублари, ҳуқуқий ёндашувлар ва техник ечимлар тарқатилиши таъминланади.

Ушбу тадбирларда иштирок этувчи амалиётчи ходимлар, илмий изланувчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқарув мутахассислари нафақат тажриба алмашадилар, балки янги ҳамкорлик шакллари, норматив ташаббуслар ва ўқув дастурларини ҳам ишлаб чиқадиладар.

Фикримизча, иқтисодий, ижтимоий ва ахборот хавфсизлиги мувозанатига эришишда турли ташкилотлар ўртасидаги мулоқот ва билим алмашинуви ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бунинг учун Ўзбекистонда ҳам миллий даражада “жамоат хавфсизлиги форуми” ташкил этиш, унда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасалар ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиш орқали институционал мулоқот тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 398-модда; 2015 й., 1-сон, 9-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон; 01.06.2018 й., 09/18/396/1287-сон, 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон, 05.07.2019 й., 09/19/559/3384-сон, 11.08.2019 й., 09/19/661/3571-сон; 28.12.2020 й., 09/20/810/1673-сон; 09.01.2021 й., 09/21/7/0005-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.07.2021 й., 09/21/464/0710-сон; 22.02.2022 й., 09/22/86/0160-сон, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 15.08.2022 й., 09/22/444/0738-сон; 07.10.2023 й., 09/23/530/0757-сон; 29.06.2024 й., 09/24/360/0456-сон; 13.09.2024 й., 09/24/569/0714-сон.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон // <https://www.lex.uz/docs/5344118>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 569-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.09.2024 й., 09/24/569/0714-сон // <https://www.lex.uz/docs/7102947>.

Ўзбекистонда ҳам айнан манзилли тадбирлар амалиётда тадбиқ этилса, соҳадаги билимлар алмашинуви тизимлаштирилиши ва самарали бошқарувга хизмат қилиши, идоралараро мувофиқлашув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай қонун нафақат ички ишлар органлари, балки барча жамоат хавфсизлиги учун масъул органлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни аниқ тартибга солади.

Тўққизинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ҳамкорлик жараёнида коррупция, шахсий манфаатларни кўзлаш ёки масъулиятдан қочиш ҳолатлари юзага келмаслиги учун назорат механизмлари кучайтирилиши зарур. Самарали мувофиқлаштириш фақат функционал ҳаракатлар билан эмас, балки шаффофлик, жавобгарлик ва очиқликка асосланган бошқарув маданияти билан таъминланади. Шу нуқтаи назардан, жамоатчилик назоратининг институционал механизмлари — жумладан, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва мустақил кузатув органларининг фаол иштироки — устувор аҳамият касб этади.

Фикримизча, ички ишлар органларининг оммавий тадбирларни ташкил этиш жараёнида жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги идоралараро ҳамкорликда очиқ маълумотлар базасининг мавжудлиги, қарор қабул қилиш жараёнларида жамоатчилик иштирокининг таъминланиши — манфаатлар тўқнашувини камайтиради ва фаолият самарадорлигини оширади.

Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам ички ишлар органлари ва ҳамкор тузилмаларнинг оммавий тадбирлардаги фаолияти юзасидан очиқ ҳисоботлар тизимини жорий этиш, онлайн ҳисобот платформалари орқали жамоатчилик фикрини инобатга олиш, коррупцияга қарши ички аудит тизимларини кучайтириш тавсия этилади. Шунингдек, жамоатчиликнинг мунтазам равишда ҳолис ахборотга эга бўлиши фуқароларда ишончни мустаҳкамлайди ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиради ва янгиликларни тадбиқ этиш мақсадида миллий ва халқаро даражада тажриба алмашув форумлари, илмий конференциялар ва ўқув семинарларини ташкил этиш тавсия этилади. Бундай тадбирлар — назария ва амалиётни боғловчи муҳим платформа бўлиб, улар орқали соҳавий инновациялар, бошқарув услублари, ҳуқуқий ёндашувлар ва техник ечимлар тарқатилиши таъминланади.

Ўнинчидан, бугунги куннинг реал шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, экологик, эпидемиологик, техник ва ижтимоий хавфлар ҳам оммавий тадбирлардаги хавфсизликни таъминлаш жараёнида ҳисобга олиниши керак. Чунки мазкур хавфлар тадбир қатнашчилари соғлиғи ва ҳаётига бевосита таҳдид солиши, шунингдек оммавий безовталиқ, фавқулодда вазиятлар ёки ижтимоий зўриқишларга олиб келиши мумкин. Ҳар бир идора ўз соҳасига тегишли таҳдид тури юзасидан аниқ масъулиятга эга бўлиши керак ва уларнинг фаолиятини ички ишлар органлари умумлаштирилган тарзда мувофиқлаштириб бориши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон амалиётида ҳам хавф таҳлилини кенгайтириш, “оммавий тадбир хавфлар базаси”ни яратиш, турли идоралар маълумотларини автоматлаштирилган ахборот тизими орқали бирлаштириш ва таҳлил қилиш, ҳамда бундай таҳлиллар асосида қарор қабул қилиш амалиётини институционал даражага кўтариш лозим.

Бу нафақат жамоат хавфсизлигини таъминлайди, балки тадбир қатнашчилари учун хавфсиз, уюшган ва ишончли муҳитни яратади.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий тадбирлар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари нафақат ижро этувчи тузилма, балки бошқарув, мувофиқлаштириш, таҳлил ва стратегик режалаштириш маркази сифатида фаолият юритиши керак. Бу фаолият самарали бўлиши учун ҳуқуқий, ташкилий, техник, ахборот ва инсон ресурслари бир бутун тизимда уйғунлашган ҳолда ишлаши талаб этилади. Жамоат хавфсизлигига оид ҳамкорлик – бу куч воситасидан ташқарида, инсон ҳуқуқлари, ишонч, билим, шаффофлик ва стратегик фикрлаш асосида шаклланадиган давлат бошқарувининг илғор модели ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 569-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон;
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <https://www.lex.uz/docs/5344118>